

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТАШКЕНТ ВИЛОЯТИ  
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Тошкент вилояти Чирчиқ  
давлат педагогика институти  
ректори Е.И. Мухамедов



2020 йил

Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар фани бўйича  
малакавий имтиҳон

ДАСТУРИ

ЧИРЧИҚ – 2020

## Аннотация

Мазкур дастурда педагогика мутахассислигидан таянч маълумоти бўлмаган изланувчиларнинг магистратура таълим босқичи ўқув дастурлари асосида “Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар” фани бўйича билимини қўшимча малакавий имтиҳон орқали текшириш учун тавсия этиладиган саволлар, мавзу йўналишлари, изланувчилар жавобларини баҳолашда эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлган жиҳатлар белгилаб берилган.

### Тузувчилар:

п.ф.д., проф. У.И.Махкамов,  
п.ф.д., Ж.Э.Усаров,  
п.ф.н., доцент, Ф.У.Жуманова,  
Фалсафа фанлари доктори (PhD) С.Б.Қораев

### Такризчилар:

п.ф.д., проф. Д.И.Рўзиева,  
п.ф.д., проф. Б.Х.Хаджаев

## СЎЗ БОШИ

“Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар” фани бўйича тузилган мазкур имтиҳон дастури педагогик маҳорат ва педагогик технологияларнинг ривожланиш тарихи; педагогик маҳорат ва педагогик технологияларнинг илмий асослари; педагогик қобилият, педагогик такт ва педагогик одоб, педагогик техника, таълимнинг фанга йўналтирилган технологиялари; таълимнинг шахсга йўналтирилган технологиялари; педагогик жараёни ташкил этиш ва самарали бошқариш асосидаги педагогик технологиялар; ривожлантирувчи таълим технологиялари, танқидий фикрлашни ривожлантирувчи таълим технологиялари каби масалаларни ўзида акс эттиради.

Имтиҳон дастурининг мақсади – талабгорларнинг педагогик технологиялар ва педагогик маҳоратга оид билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш ва ташхис этиш.

Имтиҳон дастурининг вазифаси:

талабгорларни педагогик технологиялар ва педагогик маҳоратнинг назарий асосларига оид билимлар билан қуроллантириш;

инновацион муҳит шароитида педагогик жараёни самарали ташкил этиш учун зарур кўникмаларни таркиб топтириш;

замонавий инновацион технологияларни кенг доирада қўллаш олишга йўналтириш;

педагогик фаолиятни амалга оширишда ижодий ва технологик маданиятни шакллантиришдан иборат.

Имтиҳон дастурини ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

“Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар” фани бўйича имтиҳонга тайёргарлик кўриш жараёнида талабгор:

педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат тушунчасининг илмий асослари;

педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат категория ва тамойиллари;

ўқув жараёнини ташкил этишга қўйиладиган замонавий талаблар;

таълим олувчи шахси, таълим жараёнида шахс сифатларининг намоён бўлиши;

педагогик технологиялар ва педагогик маҳоратнинг таснифи ва асосий жиҳатлари;

таълим жараёнини технологизациялаш ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим;

шахснинг маънавий-ахлоқий сифатларининг фаол шаклланиши;

педагогик технологиялар ва педагогик маҳоратнинг тамойиллари билан боғлиқликда кейинги амалий фаолиятда таълим жараёнини педагогик жиҳатдан яхлит тарзда ташкил этиш ва амалга ошириш;

таълимга технологик ёндашув, ўқув мақсадларини аниқлаштириш, педагогик фаолиятни оқилона режалаштириш ва ташкил этиш;

таълим олувчи шахсининг ҳар томонлама баркамол ривожланиши, таълим жараёнининг “жонли”, ижодий ташкил этишга ёрдам берувчи таълимнинг интерфаол методларини билиши ва улардан фойдалана олиши керак;

инновацион фаолиятни ташкил этиш;

илғор тажрибалардан фойдаланиш;

педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри қўллай олиш;

ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш;

илғор педагогик технологиялар ва педагогик маҳоратни таълим жараёнида қўллай олиш кўникмаларига эга бўлиши керак.

Талабгорнинг “Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар” фани бўйича ўрганиши зарур бўлган минимум билимлар мазмуни

Педагогик маҳорат ва унинг ўқитувчи фаолиятида тутган ўрни.

Педагогик маҳоратнинг моҳияти. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари. Педагогик маҳоратни эгаллаш воситалари. Педагогик компетентлик. Инновацион муҳим шароитида педагогик фаолиятни ташкил этишга қўйиладиган талаблар.

Педагогик қобилият – педагогик маҳоратнинг асоси сифатида

Педагогик қобилиятнинг умумий тавсифи. Педагогик қобилият турлари.

Педагогик қобилиятнинг таянч, етакчи ва ёрдамчи хусусиятлари.

Коммуникатив қобилият – педагогик алоқа ўрнатишнинг асосий воситаси.

Мулоқот орқали таъсир кўрсатиш ва муомала услублари.

Педагогик такт ва педагогик одоб.

Педагогик такт – ўқитувчи касбий маҳоратининг асоси. Ҳамкорлик педагогикаси. Педагогик одоб меъёрлари ва омиллари. Ўқитувчининг дилкашлик хусусияти ва унинг аҳамияти.

Ўқитувчининг касбий фаолиятида педагогик техниканинг аҳамияти

Педагогик техниканинг психологик ва физиологик хусусиятлари.

Ўқитувчининг ташқи ифодаси (мимика ва пантомимика) – педагогик техника сифатида. Педагогик техникани эгаллаш усуллари.

Нутқ техникаси ва нотиклик маданияти

Ўқитувчининг нутқ маданияти ва унга қўйиладиган асосий талаблар.

Нутқий фаолиятни оқилона ташкил этиш йўллари. Нутқий фаолият кўникма ва малакалари: товуш, диапазон, тембр, дикция, ритмика.

Педагогик ижодкорлик ва педагогик рефлексия

Педагогик ижодкорликнинг намоён бўлиши: интуиция, зеҳн ва хаёлот.

Ўқитувчининг акмеологик маданияти. Ўқитувчининг ўз-ўзини бошқариши ва ўз-ўзини ривожлантиришида педагогик рефлексиянинг ўрни.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти: намоён бўлиши ва тузилмаси

“Инновацион фаолият” тушунчаси ва унинг моҳияти. Инновацион фаолиятни ташкил этиш зарурияти ва омиллари. Инновацион салоҳиятни ривожлантириш мазмуни, тузилиши ва ўзига хосликлари.

Педагогик низолар ва уларни бартараф этиш технологияси

Педагогик низоларнинг асосий сабаблари. Педагогнинг перцептив (ўқувчи, талабаларни тушуниш) хатолари. Педагогнинг ўқувчи-талабалар билан иш ёки шахсий иш юзасидан бўладиган келишмовчиликларни ва уларни бартараф этишнинг ўзига хос хусусиятлари. Ёш педагоглар фаолиятида одатда йўл қўйиладиган хатолар ва уларни енгиш йўллари.

Педагогик технологиянинг илмий асослари

Педагогик технологиянинг мустақил фан сифатида шаклланиши. Педагогик технологиянинг моҳияти. Педагогик технология тамойиллари. Педагогик технологиянинг умумий тузилмаси.

Ўқув жараёнини лойиҳалаш ва режалаштириш

Аниқлаштирилган ўқув мақсадларини шакллантириш. Педагогик вазифалар ва ўқув фаолияти натижаларини лойиҳалаш. Ўқув мақсадларига эришилганликни баҳолаш. Билимларни тўлиқ ўзлаштириш концепцияси ҳамда қайта такрорланадиган ўқитиш цикли таркиби ва тузилмаси.

Замонавий ўқитиш технологиялари

Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари. Муаммоли таълим технологияси. Табақалаштирилган ва индивидуаллаштирилган таълим технологиялари. Ривожлантирувчи таълим технологияси. Ўйин технологияси. Танқидий фикрлашни ривожлантириш технологияси. Модулли таълим технологияси. Масофавий таълим технологияси.

### **ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ФАНИ БЎЙИЧА ИМТИҲОН САВОЛЛАРИ.**

Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари.

Педагогик қобилиятлар.

Педагогик техника.

Муомала маданияти.

Нутқ техникаси.

Педагогик такт ва педагог одоби.

Ўқитувчининг нутқ маданияти.

Педагогик техникани шакллантириш йўллари.

Нутқ техникасини шакллантириш йўллари.

Педагогик технология фан сифатида.

Педагогик технологиянинг асосий категориялари.

Педагогик технология тамойиллари.

Педагогик технологиянинг методологик асослари.

Педагогик технологиянинг тарихий ривожланиш даврлари.

XX асрда педагогик технологияларнинг ривожланиши.

Педагогик технологиялар ривожининг замонавий босқичи.

Педагогик технологиянинг умумий тузилмаси.

Шахс сифатларининг тузилиши ва унинг тўрт даражаси: темперамент, психик жараёнларнинг ўзига хослиги, тажриба ва шахсга йўналганлиги.

Педагогик технология тушунчаси ва унинг ўзига хос жиҳатлари: илмий, процессуал-тавсифий (тавсифлаш, ўқув жараёнини алгоритмлаш), процессуал-ҳаракатли (ўқув жараёнини амалага оширилиши).

Педагогик технологиянинг даражалари: технологик, умумий-педагогик (умумий дидактик), хусусий методик (фанга оид), локал (модулли).

Педагогик технологияларнинг тузилиши: концептуал асос, мазмунли қисм, процессуал қисм – технологик жараён.

Педагогик технологияларга қўйиладиган талаблар: тизимлилик, бошқарувли, самарадорлик, ишлаб чиқариш.

Педагогик технологиянинг назарий асослари: моддий ва идеал, диалектик ва идеал, илмий ва диний, инсонпарвар ва инсонпарварликка қарши, прагматик ва экзиценциал, эркин тарбия назарияси ва бошқалар.

Қўлланилиш даражасига кўра педагогик технологиялар таснифи.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадларини шакллантириш.

Ўқув мақсадларига эришиш мониторингини шакллантириш.

Педагогик вазифалар ва ўқув фаолияти натижаларини лойиҳалаш.

Билимларни тўлиқ ўзлаштириш концепцияси ҳамда қайта такрорланадиган ўқитиш цикли таркиби ва тузилмаси.

М.В.Кларин материаллари бўйича билимларни тўлиқ ўзлаштириш методикаси.

“Ҳамкорлик педагогикаси” технологияси ва унинг мазмуни ва методикасининг ўзига хосликлари.

Френе мактабидаги таълим технологияси.

Ўйин технологиялари ва уларнинг ўзига хосликлари.

Муаммоли таълим ва унинг ўзига хосликлари.

Табақалаштирилган ўқитиш технологияси.

Индивидуал таълим технологияси.

Таълимнинг уч босқичли модели.

Чақирик, англаш, фикрлаш босқичлари ва уларнинг вазифалари.

Модулли ўқитишнинг моҳияти.

Модулли ўқитиш тамойиллари.

Блок-модулли ва фанлараро модулли ўқитиш технологияси.

Педагогик технологиялар таснифи.

С.Д. Шевченко бўйича педагогик жараён технологияси.

Педагогик жараёнда шахсга йўналтирилганликнинг моҳияти.

Ҳамкорлик педагогикасининг таркибий қисмлари.

Ш.А.Амонашвилининг шахсий-инсонпарварлик ёндашув технологияси.

Таълимни жадаллаштириш технологиясини бир бутун йўналтирилганлиги ва тамойиллари.

Таянч сигнал мазмунининг ўзига хосликлари. (В.Ф.Шаталов).

В.Ф.Шаталов методикасининг босқичлари.

Муаммоли таълим – ривожлантирувчи таълим технологияси.

Муаммоли таълимнинг моҳияти ва вазифалари.

Ўқув муаммосининг асосий белгилари.

Шахс изланиши билиш фаолияти босқичлари.

Муаммоли таълимни ташкил этиш шарт-шароитлари.

Педагогик ўйинлар ва уларнинг турлари.

Ишбилармонлик ўйинининг моҳияти.  
Ишбилармонлик ўйинини ташкил этиш технологияси.  
Модулли таълимнинг ўзига хосликлари.  
Модулли ўқув дастурини тузиш методологияси.  
Модулли таълимни ташкил этиш технологияси.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киририш тантанали маросимига бағишланган Олий мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2016- 56 б.
1. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши.: Насаф, 2000.
2. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари. – Т.: 2005.
3. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. - Ташкент: Молия, 2002.
4. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат – Т.: Фан, 2006.
5. Йўлдошев Ж., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
6. Селевко Г. К. Современные образовательные технологии – М., Народное образование, 1998.
7. Холиқов А.А. Педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма – Т.: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ", 2010.
8. Холиқов А. Педагогик маҳорат. Дарслик. – Т.: "Тафаккур бўстони", 2011.
9. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат. – Т.: ТДПУ, 2005.
10. Занина Л.В., Меньшикова Н.П. Основы педагогического мастерства. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2003.
11. Бондаревская Е.В. Теория и практика личностно ориентированного образования. – Ростов-на-Дону: РГПУ, 2000.
12. Очилов М., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
13. Подласый И. П. Педагогика. – М.: ВЛАДОС, 2010.
- Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – Т.: ТДПУ, 2005.
14. Муҳиддинов А.Г. Ўқув жараёнида нутқ фаолияти. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
15. Очилов Малла. Муаллим қалб меъмори. – Т.: Ўқитувчи, 2000.
16. Маънавият дарслари (Тузувчи С. Нишонова). – Т.: Ўқитувчи, 1994.
17. Ўзбек педагогикаси антологияси. Т.: Ўқитувчи, 1995.
18. Муҳиддинов А.Г. Ўқув жараёнида нутқ фаолияти. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
19. Маҳмудов Н. М. Ўқитувчи нутқ маданияти. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007.

## **Дастурнинг информацион-услужий таъминоти**

1. [www.chdpi.uz](http://www.chdpi.uz)
2. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
3. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
4. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
5. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
6. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
7. [www.istedod.uz](http://www.istedod.uz)